

3

ҲАР БИР ҲУДУДНИНГ
ҚУВОНЧ-ТАШВИШИ БОР



4

ЎЗБЕКИСТОН ИМИЖИ
УЧУН БАРЧАМИЗ
ЖАВОБГАРМИЗ



5

ЧИҚИНДИ МУАММО ЭМАС,
ИМКONIЯТ



6

КАРИМОВНИНГ СИРЛИ
ЎЛИМИ ёхуд унинг тобути
Ўзбекистонга қандай олиб
келинган эди?



ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ
УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!



XXI ASR

IJTIMOIY - SIYOSIY GAZETASI



Gazeta 2004-yil
1-yanvardan chop
etila boshlagan

5-mart
2026-yil
9 (1 163)

Алишер НАВОЙЙ

*Оналарнинг оёғи остидадир,
Равза жаннату жинон боғи.
Равза боғин висолин истар эрсанг,
Бўл онанинг оёғи тупроғи.*

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёевнинг
шу йил 3 мартдаги фармони билан
хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқларини
ҳимоя қилишни кучайтириш, шунингдек,
уларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик
ҳолатларининг олдини олиш бўйича
чора-тадбирлар тасдиқланди. Ҳужжат
болалар ва хотин-қизлар ҳуқуқларини
ишончли таъминлаш, уларни ҳар қандай
тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш
ҳамда жамиятда бундай ҳолатларга нисбатан
муросасизлик муҳитини шакллантириш,
шунингдек, давлат органлари ва
ташкilotларининг мазкур йўналишдаги
фаолиятини мувофиқлаштирилган ҳолда
самарали йўлга қўйишга қаратилган.

Давлатимиз раҳбари 8 март –
Халқаро хотин-қизлар куни муносабати
билан имзолаган фармонга биноан давлат ва
жамият ҳаётида фаол иштирок этиб,
Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнига
муносиб ҳисса қўшаётган бир гуруҳ
хотин-қизлар давлатимизнинг юксак
мукофотларига сазовор бўлди.

Шунингдек, анъанага кўра бу йил ҳам
Президент қарори билан юртимиз равнақи
йўлида бор куч-гайрати, замонавий билим
ва малакаси ҳамда маънавий-интеллектуал
салоҳиятини намоян этган бир гуруҳ иқти-
дорли қизлар Зулфия номидаги
Давлат мукофоти билан тақдирланди.

ИЗЛАНИШ, ТАШАББУСКОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ

СУРХОН ЗАМИНИДА КАТТА ЎЗГАРИШЛАР БОШЛАНАЁТГАНИНИ ИСБОТЛАМОҚДА

Сурхондарё вилояти юртимизнинг иқтисодий
салоҳияти юксак, тадбиркорлик муҳити шаклланган
ва қишлоқ хўжалиги барқарор ривожланаётган
ҳудудларидан бири ҳисобланади. Бугун бу заминда
хусусий корхоналар, оилавий бизнеслар ва фермер

хўжаликлари нафақат аҳоли бандлигини таъминламоқда,
балки экспортбop маҳсулотлар ишлаб чиқариш орқали
барқарор даромад манбаларини яратишга хизмат
қилмоқда.

2



БПТ ҲИСОБОТ САЙЛОВЛАРИ

АВВАЛ СИФАТ, КЕЙИН НАТИЖА

Албатта, бу табиий жараён. Ва шундай
бўлмоғи зарур ҳам. Шу маънода O'zLiDeP Сиёсий
Кенгаши Ижроия қўмитаси қарорига биноан жорий
йилнинг 16 февралдан 16 апрелга қадар сиёсий
кучнинг 16 705 та бошланғич партия ташкилотиди
ўтказилган ҳисобот сайлов йиғилишлари шу
кунларда қизгин паллага кирмоқда.

O'zLiDeP Бошланғич партия ташкилотлари
билан ишлаш шўъбаси мудири Фаррух
Соҳибовнинг хабар беришича, кечаги кунга қадар
жами 4 430 та БПТда ҳисобот сайлов йиғилишлари
ўтказилган. Уларнинг 4 018 тасида қуйи бўғинлар
томонидан амалга оширилган ишлар ижобий
баҳолалиб, ўтган йилги фаолияти қониқарли деб
топилди ҳамда раис ва ўринбосарлари қайта
сайланган. 412 та таянч нуқтага эса янги раислар
сайланди.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани “Чархновза”
МФЙ қошида ташкил этилган бошланғич партия ташки-
лотининг навбатдаги ҳисобот сайлов йиғилишида сиёсий

кучнинг туман кенгаши аппарат раҳбари Абдурашид Ғо-
фуров ва фаоллар иштирок этди. Мазкур қуйи бўғин ўт-
ган йил бир қатор хайрли ишларга бош-қош бўлгани, ху-
сусан, ёшлар бандлигини таъминлашга жиддий эътибор
қаратгани алоҳида таъкидлаб ўтилди. Шунингдек, улар
тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, айниқса, эҳтижман
оилалар ҳолидан хабар олиш, партия аъзолари сафини
кенгайтиришда ҳам фаоллик кўрсатишаётгани бошқаларга
ибратдир.

Шунинг учун ҳам йиғилганлар ушбу бошланғич партия
ташкilotи раиси ва ўринбосарини қайта сайлашди.

O'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши
матбуот хизмати

O'zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши таркибидаги қуйи
бўғинларда давом этаётган ҳисобот сайлов йиғилишларида
асосий эътибор сифат ва натижага қаратилмоқда. Масалан,
186 минг 241 нафар аъзони бирлаштирган 1 273 та БПТнинг
ҳозиргача 250 тасида ўтказилган тадбирларда фаолияти қо-
ниқарсиз деб баҳоланган 21 нафар етакчи қайта сайланмади.

“Косонтумангаз” таъминот бўлими қошидаги қуйи
бўғин йиғилишида дастлаб сиёсий кучнинг дастурий мақ-
садлари, истиқболли лойиҳалари тарғиботи кўриб чиқилди
ва етакчи Ёрқин Ёдгоровнинг ҳисоботи тингланди. Таъкид-
ланганидек, партия фаолларининг бевосита ташаббуси
билан оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, томорқа
хўжалигидан самарали фойдаланиш, томчилатиб суғориш-
га асосланган иссиқхона хўжалиklarини кўпайтиришга
эришилди ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасида қат-
тор амалий ишларга қўл урилди. Партия аъзолари сони 20
нафарга кўпайди.

Йиғилишда БПТнинг ҳисобот давридаги фаолияти
ижобий баҳолалиб, кўрилган масалалар бўйича тегишли
қарор қабул қилинди ва бир овоздан амалдаги БПТ раиси
Ёрқин Ёдгоровни қайта сайлашди.

– Таъкидлаш лозимки, қуйи бўғинлар ижтимоий
фаоллик ва амалий ишларнинг таянч нуқтасидир. Биз-
ни қувонтираётган жиҳати, йиғилишларда аҳолининг
ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш, бандлик-
ни таъминлаш, хотин-қизлар ва ёшларни тадбиркорлик-
ка йўналтириш, электоратни қийнаб келаётган муам-
моларни бартафоз этиш борасидаги амалий тақлифлар
ўртага ташлангани, – дейди O'zLiDeP Қашқадарё ви-
лоят кенгаши бошланғич партия ташкilotлари билан



ишлаш гуруҳи раҳбари Улғубек Жавлиев. – Айниқса,
аъзолар сафини шижоатли, илмли кишилар ҳисобига
кенгайтириш, БПТ хоналарини тарғибот-ташвиқот воси-
талари билан жиҳозлаш, дастурий кўрсатма ва услубий
қўлланмалар билан таъминлашга эътибор қаратилляпти.
Шунингдек, “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни
юксалтириш йили” давлат дастуридан ўрин олган мам-
лакатимизда аҳоли бандлиги ва фаровонлигини таъмин-
лаш борасидаги устувор вазифалар хусусида батафсил
маълумотлар бериб ўтаямиз.

Эътиборлиси, воҳанинг барча туман ва шаҳар кен-
гашлари масъуллари, депутатлар иштирокидаги БПТ ҳис-
обот сайловлари қизгин мунозаралар руҳида ўтмоқда.

Сайфулла ИКРОМОВ,
“XXI asr” муҳбири

ИЗЛАНИШ, ТАШАББУСКОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ

СУРХОН ЗАМИНИДА КАТТА ЎЗГАРИШЛАР БОШЛАНАЁТГАНИНИ ИСБОТЛАМОҚДА

◀◀Бошланиши 1-саҳифада.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси раҳбари, Ўзбекистон фермерлари кенгаши раиси Ақтам Хайтовнинг маҳаллий тадбиркорлар ҳамда фермер хўжаликларига фаолияти билан яқиндан танишиш, уларни қўллаб-қувватлаш ва мавжуд муаммоларга ечим топиш мақсадидаги учрашувлари анча самарали кечди.

Термиз туманида фаолият юритаётган "Олис-осмон" хусусий корхонаси иш жараёни ўрганилди. 2009 йилда ташкил этилган мазкур корхона бугунги кунда қурилиш соҳаси учун зарур бўлган пардозлаш маҳсулотлари ишлаб чиқаришда. Замоनावий технологиялар билан жиҳозланган бу маскан сифатли ва рақобатбардор маҳсулот тайёрлашга ихтисослашган. Айни пайтда бу ерда 46 нафар доимий ва 30 нафар мавсумий ишчи меҳнат қилмоқда. Бу эса ҳудудда янги иш ўринлари яратилиш ва аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим ўрин тутаётганини кўрсатади.

Корхона раҳбари Фурқат Норҳамидов ҳамда иш бошқарувчи Баҳодир Қурбонов ишлаб чиқариш жараёни, маҳсулот сифатини назорат қилиш ва экспорт ҳажмини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида батафсил маълумот берди. Айниқса, маҳсулотларнинг Тожикистон Республикасига экспорт қилинаётгани корхонанинг халқаро бозорда ҳам ўз ўрнига эга бўлаётганини аниқлади.

2025 йилда корхона ҳудудида 1000 квадрат метр майдонга қуёш панеллари ўрнатилиб, ойига ўртача 250–300 миллион сўмлик электр энергияси ишлаб чиқариш ва сотиш йўлга қўйилди. Қиймати 5 миллиард сўм бўлган ушбу лойиҳа кредит маблағлари ҳисобидан амалга оширилди. Хитойдан келтирилган замоनावий панеллар корхонанинг энергия мустақиллигини таъминлаш билан бирга, қўшимча даромад манбаини ҳам яратди. Бу ташаббус иқтисодий самарадорлик билан бир қаторда экологик барқарорликка ҳам хизмат қилмоқда.

Мулоқотда тадбиркор томонидан транспорт ва темирйўл инфратузилмаси билан боғлиқ айрим муаммолар кўтарилди. Маҳсулотларни экспорт қилиш ва хомашё етказиб бериш жараёнида логистика масалалари муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди.

Навбатдаги манзил Термиз туманидаги "Ҳумойдин – Фарангиз" оилавий корхонасига қарашли 2 гектар майдонда ташкил этилган иссиқхоначилик хўжалиги бўлди. Бу ерда помидор ва бўлғор қалампир иштирокида қўллаб-қувватланаётган агротехник тадбирлар, ҳосилдорлик ва бозор таъминоти ҳақида сўзлаб берди.

Этиборлиси, бир тул помидор кўчатидан ўртача 4,5–5 килограмм ҳосил олинмоқда. Ҳозирги кунда тўртинчи марта ҳосил терими амалга оширилди. Айниқса, иссиқхонада Рожа навли помидор экилиб, маҳсулотлар ички бозорларга етказиб берилганлиги ишчи гуруҳга манзур бўлди.

Ўз навбатида тадбиркор қиш мавсумида электр энергияси таъминотида узиллишлар юзасига келганини билдирди. Маълумки, иссиқхона хўжалиги учун барқарор энергия манбаи жуда муҳим. Шу муносабат билан ишбилармонга қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш, хусусан, қуёш панеллари ўрнатиш

пири, яна шунча ерда арпа етиштирялмиш. Қолаверса, чорвачиликни ҳам ривожлантиришга алоҳида этибор қаратялмиш.

Этиборли жиҳати, хўжаликнинг умумий ер майдони 69 гектарни ташкил этиб, шундан 25 гектариди сунъий сув ҳавзалари барпо этилган. Айни пайтда бу ерда 12 нафар доимий ишчи меҳнат қилмоқда. Ҳар йили ўртача 200 тонна багли маҳсулоти ишлаб чиқарилиб, маҳаллий бозорлар сифатли ва арзон маҳсулот билан таъминланмоқда.

Шундан сўнг, ишчи гуруҳ Музработ туманида фаолият юритаётган "Амирқулбобо" кўп тармоқли фермер хўжалиги фаолиятини ўрганди. Бугунги кунда қишлоқ хўжалигини комплекс ривожлантириш борасида намуна бўла оладиган ушбу йирик хўжаликнинг жами 500 гектар ер майдонда пахтачилик, ғаллачилик, чорвачилик ва балиқчилик изчил йўлга қўйилган. 100 гектарига пахта экилган бўлса, қолган ерлардан дон ва ем-хашак етиштиришда самарали фойдаланилмоқда. Бу эса тармоқлар ўртасида ўзаро боғлиқлики таъминлаб, ички имкониятлардан унумли фойдаланишга хизмат қилмоқда.

10 километрик ариқлар бетонлаштирилгани натижада сув тежамкорлиги таъминланиб,



ер унумдорлиги ошган. Бу эса замоनावий агро-технологияларни жорий этиш, ресурслардан оқилона фойдаланиш йўлида қўйилган муҳим қадамдир. 2021 йилда хўжаликка Голштейн зотли сизирлар олиб келинган эди. Шунингдек, Оқбаш ва Карпат қорамоллари ҳам парваришланмоқда. Ем-хашак базасининг шакллантирилгани чорвачилик тармоғининг барқарор ривожланишига замин яратмоқда.

Тадбиркор ташаббуси билан балиқчилик учун узунлиги 1 650 метр бўлган сув ҳавзаси барпо этилди. Бу нафақат қўшимча даромад манбаи, балки аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш имконияти ҳамдир.

Хўжалик Туркманистон чегарасига яқин, 43 километрик масофада жойлашган. Бу эса чегараолди ҳудудларда ҳам самарали қишлоқ хўжалиги юритиш мумкинлигини амалда кўрсатмоқда. Ҳудудда 4 700 тул арча экилиб, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва яшил ҳудудларни кенгайтиришга алоҳида этибор қаратилган.

Ташриф давомида фермер хўжалиги раҳбари Алишер Қурбонов "Фермерлар мактаби" лойиҳасини жорий этиш тақлифини илгари сурди. Унинг таъкидлашича, мазкур ташаббус ёш фермер ва деҳқонлар учун амалий ўқув-семинарлар ташкил этиш, илғор тажрибаларни оммалаштириш ва агробизнесни замоनावий



имкониятларни, имтиёзли кредитлар ва давлат томонидан берилган қўллаб-қувватлаш чоралари ҳақида аниқроқ таъкидланди ва амалий таъкидланди.

Учрашув давомида яна бир муҳим ташаббус, яъни агрономлар уюшмасини ташкил этиш тақлифи ўртага ташланди. Бу, илғор тажриба-лар алмашинуви, илмий-амалий семинарлар ўтказиш ва замоनावий агро-технологияларни кенг жорий этишга хизмат қилиши таъкидланди.

Ишчи гуруҳ аъзолари Термиз туманидаги йирик балиқчилик субъектларидан бири ҳисобланган "Норҳамид бобо" балиқчилик фермер хўжалиги фаолияти билан ҳам яқиндан танишишди.

Келгусида барча қўлларда сувни қайта ишлаш тизимини жорий этишни режалаштирилганмиш, – дейди хўжалик раҳбари. – Ҳозирда сувни табиий равишда филтрлаб тозалайдиган ўсимликлардан самарали фойдаланялмиш. Бу эса сув сифатини яхшилаб, балиқларнинг парваришига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Шунингдек, хўжалигимизда қўшимча йўналишлари ҳам йўлга қўйилганмиш. Мисол учун, 50 сотих майдонда саримсоқчиёв ва бўлғор қалам-

асосда ривожлантиришга хизмат қилади. Ақтам Хайтов ушбу тақлифини қўллаб-қувватлаб, кўп тармоқли фермерликни янада кенгайтириш, қишлоқ хўжалигида қўшимча қиймат занжирини шакллантириш ва янги иш ўринлари яратиш бўйича амалий таъкидлар берди.

Ишчи гуруҳ сафар доирасида Музработ туманидаги Буюк ипак йўли маҳалласи фаолияти ҳам ўрганилди. Айни пайтда 35 та оила Камбағаллик реестрига киритилган. Шунингдек, 1 нафар яқка-ёлғиз ва 80 нафар ногиронлиги бўлган шахслар мавжуд.

Ижтимоий ҳодим томонидан реестрга киритилган оилаларга озиқ-овқат ва дори-дармон харид қилиш учун аризалар расмийлаштирилганлиги маълум қилинди. Этиборлиси, ўтган йил давомиди 92 нафар фуқарога имтиёзли кредит ажратилган. Бу орқали улар тадбиркорликка жалб қилиниб, доимий даромад манбаи яратишларига эришилган.

Учрашувда таъкидланганидек, камбағал оилаларни қўллаб-қувватлаш фақат моддий ёрдам билан чекланиб қолмаслиги керак. Уларга касб-хунар ўргатиш, тадбиркорликка йўналтириш ва барқарор даромад манбаини шаклланти-

риш муҳим. Маҳалладаги ҳар бир имкониятни лойиҳага айлантириш, янги иш ўринлари яратиш мақсадида банклар ва солиқчилар маҳаллаларга бириктирилгани, инфратузилмани яхшилаш учун алоҳида маблағлар ажратилаётгани қайд этилди.

Музработдаги "Сувон Омонтурди" хусусий корхонаси гулқарам ва брокколи етиштириб, Россия бозорига экспорт қилмоқда. Корхонада 20 нафар доимий ишчи меҳнат қилса, мавсум пайтида яна 100 нафарга яқин фуқаро иш билан таъминланади. Тадбиркор 18 гектар ер майдонини 10 йил муддатга ижарага олиб, самарали фойдаланмоқда. Шунингдек, шолічилик йўналиши ҳам йўлга қўйилган бўлиб, бир гектардан ўртача 60 центнердан ҳосил олинмоқда. Етиштирилган маҳсулотлар асосан ички бозорга етказиб берилмоқда.

Ташриф чоғида экспорт ҳажмини ошириш, маҳсулотларни қайта ишлаш орқали қўшимча қиймат яратиш ва даромадни кўпайтириш бўйича тавсиялар берилди.

Тумандаги "Умарбек – Усмон – Тараққиёт" МЧЖ чорвачиликка ихтисослашган йирик лойиҳалардан бири ҳисобланади. 2025 йилда тадбиркор томонидан Монголиядан 850 бош зотли қўй олиб келинди. Бу қўйлар чидамлили-

ги, турли озукани истеъмол қила олиши ва сифатли жун бериши билан ажралаб туради. Айни пайтда 20 дан ортиги қўзлаб, янги насл олиш ишлари самарали йўлга қўйилган. Бу лойиҳанинг қисқа муддатда ўзини оқлаш имконияти юқори эканини кўрсатади. Келгусида яна 1 000 бош олиб келиш режалаштирилган.

Тадбиркор Зокир Сувонов 13 турдаги тадбиркорлик йўналишида фаолият юритмоқда. 2 000 бош қўй учун мустаҳкам озук базасини яратиш мақсадида 50 гектар ер ажратиб бўйича амалий ёрдам сўради. Масъулларга бу борада тегишли тавсия ва тақлиф берилди.

Музработлик фермерлар ва ёшлар билан ўтказилган учрашув ҳам мазмунли мулоқотларга бой бўлди. Унда ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этиш, қишлоқ хўжалигида қўшимча даромад манбаларини яратиш масалалари муҳокама қилинди.

Фермер Шопўлат Худойбердиев Австриядан 33 бош Сметана зотли қорамол олиб келиш ва янги иш ўринлари яратиш режасини маълум қилди. Лойиҳа қиймати 120 минг АҚШ долларини ташкил этади.

Шунингдек, фермерларга ажратилаётган кредит ҳақида тушунтириш берилди. Жумладан, иссиқхона, боғдорчилик, асбоб-ускуна, музлаткичли омборхона ва агрологистика марказлари учун 3 йил имтиёзли давр билан 7 йиллик чорвачилик, қуёш панеллари, ёмғирлатиб суғориш ва насос ускуналари учун эса 4 йиллик имтиёзли кредитлар мавжудлиги айтилди.

Ёшлар томонидан 30 гектар ер учун солиқ миқдорини кооперация асосида бўлиб тўлаш тақлифи билдирилди. Бу каби ташаббуслар қўллаб-қувватланиши зарурлиги таъкидланди.

2024 йилда ташкил этилган "Шарофиддин – Райхона" МЧЖ шоліни қайта ишлашга ихтисослашган. Корхонада 10 нафар доимий ва 5 нафар мавсумий ишчи меҳнат қилмоқда. Раҳбар Шопўлат Худойбердиевнинг таъкидлашича, маҳаллий фермерлар етиштирган шолі шу ернинг ўзида қайта ишланиб, тайёр гуруч сифатида бозорга чиқаришмоқда. Бу эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига қўшимча қиймат қўшиш ва ички бозорни сифатли маҳсулот билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадбиркорларга давлат томонидан берилган имтиёз, субсидия ва кредит механизмлари ҳақида ҳам батафсил маълумот берилди. Қайта ишлаш қувватини ошириш, асбоб-ускуналарни модернизация қилиш бўйича мавжуд имкониятларни оширишга доир тушунтиришлар айтилди. Умуман олганда, Термиз ва Музработ туманида амалга оширилаётган бундай кенг қамровли ташаббуслар тадбиркорлик муҳитини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, кўп тармоқли фермерликни ривожлантириш ва қайта ишлаш саноатини кенгайтириш орқали ҳудуд иқтисодиётини изчил мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Янги иш ўринлари яратилаётгани, экспорт салоҳияти ошиб бораётгани ва қўшимча қиймат занжирлари шакллантирилганлиги бу жараёнинг амалий самарасини яққол намоён этмоқда.

Энг муҳими, ҳар бир ташаббус замирида меҳнат, изланиш, ташаббускорлик ва тараққиётга бўлган ишонч мужассам. Бу эса, нафақат, вилоят иқтисодиёти барқарор ўсиб бораётганининг, балки қишлоқ жойларда ҳам улкан имкониятлар мавжуд эканининг ишончли далилидир.

O'zLiDeP Сурхондарё вилояти кенгаши матбуот хизмати

МУНОСАБАТ



Абдулло АСЛОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари

Маҳалла институти:

ИҚТИСОДИЙ ВА РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ

Президентимиз шу йил 16 февралда имзолаган "Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни бирлаштириш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармон мамлакатда маҳалла институтини сифат жиҳатидан янги bosқичга олиб чиқишга қаратилган ислохотларни бошлаб берди. Хусусан, ҳудудларда саноат ва хизмат кўрсатиш лойиҳаларини амалга ошириш учун жами 5 триллион сўм кредит маблағларини йўналтириш режалаштирилгани иқтисодий фаолликни қўйи бўғиндан бошлаб рағбатлантиришга қаратилган муҳим қадамдир. Бу маблағлар қонунчиликда белгиланган тартибда ишлаб чиқариш корхоналари ва хизмат кўрсатиш нуқталарини ташкил этишга сарфланади.

Иқтисодий ва рақамли трансформация

Айниқса, тадбиркорлик субъектларига ажратилаётган кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг миллий валютада 10 фоизгача, хорижий валютада 4 фоизгача бўлган қисмини "Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси" АЖ томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча қиймат яратиш ва даромадни кўпайтириш бўйича тавсиялар берилди.

Фармонда маҳаллаларга ўз ижтимоий-иқтисодий муаммоларини мустақил ҳал этиш учун молиявий имкониятларни кенгайтириш алоҳида устувор йўналиш сифатида белгиланган. Жумладан, "Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармаси" маблағларини қўшимча манбалар ҳисобидан шакллантириш амалиёти йўлга қўйилди. Энди жисмоний шахслардан ундирилган мол-мулк ва ер солиғининг (нотураб жойлар бундан мустасно) 15 фоизи, шунингдек, санитария ва ноқонуний қурилиш бўйича ундирилган жарималарнинг 10 фоизи ушбу жамғармага йўналтирилади. Бу орқали жамғармага йўлга қўшимча 300 миллиард сўм маблағ шакллантирилиши кутилмоқда.

Мазкур маблағлар ички йўлларни шағаллаштириш, пиёдалар йўлакларини барпо этиш ва таъмирлаш, тунги ёритиш тизимларини ўрнатиш, фуқаролар йиғини биноларини қуриш ва реконструкция қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига сарфланади. Натижада аҳоли учун қулай ва хавфсиз муҳит яратилади.

Хужжат доирасида маҳаллаларда аҳоли муаммоларини "хонадонбай" ўрганиш ва уларнинг ҳал этилишини онлайн назорат қилиш тартиби жорий этилади. "Маҳалла еттилиги" вакиллари ҳар бир хонадон кесимида муаммоларни режа-график асосида ўрганиб, аниқланган муаммоларни "Рақамли маҳалла" электрон платформасига киритади. Платформада сунъий интеллект орқали муаммолар тегишли вазирлик ва идораларга автоматик тақсимланади.

Муаммолар ҳал этилгунча ижро ҳолати Вазирлар Маҳкамаси томонидан қатъий назоратга олинади. Шунингдек, аниқланган муаммоларни ҳал этиш даражаси вазирлик ва идоралар раҳбарияти фаолиятини баҳолашнинг асосий мезонларидан бири сифатида белгиланади. "Рақамли маҳалла" платформасининг Президент Виртуал қа-

булхонаси билан интеграция қилиниши орқали маҳалла раиси мурожаатларни реал вақт режимида кузатиш имкониятига эга бўлади. Бу эса давлат бошқарувида шаффоқлик ва жавобгарликни кучайтиради.

Фармонда "маҳалла еттилиги" фаолиятини ташкил этиш жараёнида тубдан ислох қилиш ҳам назарда тутилган. 500 та маҳаллада эксперимент тарихида вакиллари уларнинг ўзи истиқомат қилаётган ёки ёндош маҳалладан тайинлаш амалиёти жорий этилади. Бу орқали ҳудудларнинг реал ҳолатини яқин билган мутахассисларни саралаш имконияти яратилади.

Шунингдек, "маҳалла еттилиги" аъзоларини йиғилиш ва тадбирларга жалб қилиш фақат фуқаролар йиғини раисининг руҳсати билан амалга оширилиши белгиланмоқда. Уларнинг вазифаларига дахлдор бўлмаган ишлар юклан қатъий тақиқланади. Бу ислохотлар маҳалла раиси ролини кучайтиради, масъулиятни аниқ тақсимлаш ва ортиқча бюрократик юкларни камайтиришга хизмат қилади.

Олис ҳудудлардаги маҳаллаларда аҳолининг ижтимоий фаоллигини ошириш мақсадида ҳар йили қўшимча 200 миллиард сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилган. Ушбу маблағлар хизмат биносига эга бўлмаган маҳаллаларга бинолар қуриш ва жиҳозлаш, болалар майдончаларини ташкил этиш, шунингдек, "Фаровон ҳаётга қадим", "Ишонч" ва "Маърифат орқали камбағалликни қисқартириш" дастурларини амалга оширишга йўналтирилади.

Аҳоли ўртасида тўйлар ва маросимларни тартибга солишга қаратилган тарғибот тадбирлари ташкил этилади. Бу эса ижтимоий масъулият, тежамкорлик ва соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга хизмат қилади.

Маҳалла ҳодимлари фаолиятини илмий асосда ташкил этиш, билим ва кўникмаларини доимий ривожлантириш ҳам муҳим йўналиш сифатида қайд этилган. "Маҳалла еттилиги" вакиллари фаолиятини баҳолашда энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (КР) маҳалланинг мавжуд ҳолати ва имкониятларидан келиб чиқиб белгиланади. Хусусан, ҳоким ёрдамчисининг КР баҳолаш тизимида айрим номақбул кўрсаткичлар чиқариб ташланади. Бу ёндашув натижага йўналтирилган бошқарув моделини шакллантириш, ресурслардан оқилона фойдаланиш ва маҳалла даражасида аниқ натижаларга эришишни таъминлайди.

ҲАР БИР ҲУДУДНИНГ ҚУВОНЧ-ТАШВИШИ БОР

Айни кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси аъзолари ҳудудларда сайловчилар билан учрашувлар ўтказмоқда. Халқ вакилларининг жойларда олиб бораётган амалий ўрганишлари маҳалла институтини мустаҳкамлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва ижтимоий муаммоларни жойида ҳал этишга қаратилган изчил ишлар билан уйғун ҳолда давом этмоқда. Мулоқотлар давомида хотин-қизлар тадбиркорлиги, ёшлар салоҳияти, ижтимоий ҳимоя, таълим ва инфратузилмани яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиляпти.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Равшан Фозилов, Дилором Файзиёва Юнусобод туманидаги Отчопар-1 ва Отчопар-2 маҳаллаларида бўлиб, ҳудудда амалга оширилаётган ислохотлар, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий шароитини яхшилаш, йўл инфратузилмаси, ёшлар ва хотин-қизлар дафтари билан ишлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш масалаларини ўрганди. Фуқаролар Отчопар-1 ҳудудида давлат мактабгача таълим ташкилоти йўқлиги, болажонлар учун замонавий боғча қуриб берилишини сўрашди.



Тошкент педиатрия тиббиёт институтида ўтказилган "Депутат ва ёшлар" мулоқотида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Севара Убайдуллаева ҳам қатнашди. Кўксарой қароргоҳида давлатимиз раҳбарининг ёшлар билан мулоқоти мазмун-моҳияти ва келгусидаги амалга оширилаётган ишлар ҳақида талабаларга кенг маълумот берилди. Жумладан, ҳар пайшанба вазирилик, идора ва ҳокимликларда "Ёшлар кунини" доирасида ёш тадбиркорлар лойиҳалари учун кредит ажратиш, инновацион стартап лойиҳаларига инвестиция киритишга рухсат берилиши, "Келажак тадбиркори" дастури ёки "Иккинчи имкон" лойиҳасининг кенг татбиқ этилиши хусусида савол-жавоблар бўлди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Дурбек Аҳмедов эса "Фидокор" МФЙ раиси билан биргаликда Чилонзор туманидаги 195-мактаб фаолияти билан танишди. Мактабга қўшимча бино қурилиб, 2024 йил фойдаланишга топширилган. 350-давлат мактабгача таълим ташкилоти ҳам таъмирдан чиқарилган. Бинода кўш панеллари ва сув иситкичлари ўрнатилгани газ ва электр энергияси сарфини сезиларли даражада камайтирмоқда. Мулоқот давомида депутат муассаса фаолиятини янада яхшилаш борасида ўз тақлифи ва тавсияларини берди.

Халқ вакили бундан ташқари Катта Қаъни маҳалласи қошида очилган ўқув маркази ва спорт клубида яратилган шароитлар билан ҳам танишди, айрим камчиликларга биргаликда ечим изланди.

САМАРҚАНД

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси Зебинисо Раҳмонова Самарқанд шаҳридаги маҳаллаларда бўлиб, хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар билан танишди. Жумладан, Чармғари маҳалласида "Маҳалланинг ишбилармон аёли" танлови иштирокчиси Ҳилола Хўжакулованинг "Baby boss" тикув цехи фаолиятини кўздан кечирди. Айни пайтда цехда 25 нафар хотин-қиз болалар кийимлари ишлаб чиқармоқда. Маҳсулотлар мамлакатимизнинг турли ҳудудларига етказиб берилаётгани, ойлик айланма маблағ 40-50 миллион сўмга етаётгани аёлларнинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси Абдулло Асланов Самарқанд ва Тойлоқ туманларида бўлиб, маҳаллалар ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини ўрганди. "Air boots manufacture" ва "Sam gold shoes" корхоналарида яратилган 200 га яқин иш ўрни аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим оммил бўлмоқда. Эътиборли жиҳати, ишчи-ҳодимлар орасида ногиронлиги бўлган фуқаролар ҳам самарали меҳнат қилмоқда.



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Диёр Ҳусанов эса Пастдарғом тумани аҳолиси билан учрашиб, тоза ичимлик суви таъминоти ва мактаб биноларини таъмирлаш масалаларини муҳокама қилди. Хусусан, 300 ўринли 43-мактаб биносини капитал таъмирлаш юзасидан аниқ вазифалар белгилаб олинди. Парламент кўйи палатаси депутати Хусан Яркулов Кўшработ туманидаги "Эргаш Жуманбулбул ўғли ёдгорлиги" музейида бўлди. 18-умумий ўрта таълим мактабида эса ўқувчилар сони ортиб бораётгани сабабли қўшимча ўқув биноси қуриш тақлифини илгари сурди. Таълим сифатини ошириш, лаборатория ва спорт инфратузилмасини янгиллаш бўйича ҳам мулоҳазалар билдирилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Адҳам Шодмоновнинг сайловчилар билан учрашувида аҳолини тоза ичимлик суви ҳамда миграциядан қайтган хотин-қизлар бандлигини таъминлашга қа-

ратилган лойиҳалар белгилаб олинди. Ястена ва Хўжақишлоқ маҳаллаларида амалга оширилаётган мазкур ташаббуслар аҳоли турмуш даражасини яхшилашга хизмат қилади.

ЖИЗЗАХ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси Рисқул Сиддиқов Бахмал ва Ғаллаорол туманларидаги сайловчилар билан учрашди.

Бахмалдаги 88-мактабда битирувчилар билан ўтган мулоқотда Президентимизнинг 24 февраль куни ёшлар билан учрашувида кўтарилган масалалар, белгиланган вазифалар мазмун-моҳиятини батафсил тушунтирди. Депутат шу кунини "Юксалиш" мактаби фаолияти билан ҳам танишди. Ушбу масканда 90 нафар ўқувчи тахсил олмоқда. Улар ётоқхона ва барча зарур шароит билан таъминланган.



Халқ вакили, шунингдек, "Маҳалламдаги муаммоларга ечим – менинг ташаббусим" ва "Депутат маҳаллада" лойиҳалари доирасида "Мустақиллик" МФЙда "еттилик" вакиллари, тадбиркорлар билан суҳбатлашди. Ушбу маҳаллада яшовчи тадбиркор Фахриддин Эшалиев хонадониди бўлиб, Сайхунбод тажрибаси асосида ташкил этилган узумчилик, боғдорчилик, паррандачилик, асаларчилик билан танишди. Узунбулоқ маҳалласида ташкил этилган узумзорлар, полиз экинларини томчилатиб суғориш ишлари билан танишди. Маданият маҳалласида эса Жўрамурад Ҳожиёв ташкил этган иссиқхонани кўздан кечирди. Бугунги кунда мазкур иссиқхонада мандарин, лимон ва апельсин етиштирилиб, маҳаллий бозорда сотилмоқда. Тадбиркорга субсидия асосида кредит ажратиш, маблағни нақд ёки пластик карта орқали олиш тақлифи берилди. Бугунги кунда ушбу йўналишларга сармоа таъминоти орқали берилаётгани айтилди.

O'zLiDeP вакили Ғаллаорол туманидаги Ёшлар маркази фаолияти, бу ерда ёшларни касб-хунарга йўналтириш борасида амалга оширилаётган ишларни ўрганди ва ўз тавсияларини берди. "Agro In Vitro" агрокорхонасида кишлоқ хўжалиги соҳасида қўлланилаётган замонавий инновацион ёндашувлар, илғор агротехнологиялар ҳамда юқори ҳосилдорликка эришиш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан танишди. Ушбу туманда яшовчи фуқаро Г. Бобоевнинг Тиббиёт бирлашмасига ишга жойлаштириш бўйича ёзган мурожаати туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда кўриб чиқилиб, ижобий ҳал этилди. Тутли кишлоғидаги Сангзорбўйи, Ҳамид Олимжон, Шодмонлик, Инсонийлик ва Янгиобод кўчаларидаги 1990-1991 йилларда ўрнатилган симёғочлар ва электр ўтказгичларини янгисига алмаштириш бўйича фуқаролардан келиб тушган мурожаатлар ҳам ўз ечимини топди.

НАВОИЙ

O'zLiDeP Учқудуқ туман кенгаши ташаббуси билан "Маҳалланинг ишбилармон аёли" танлови доирасида тумандаги "Choco life" ширинликлар ишлаб чиқариш хусусий корхонаси фаолияти билан яқиндан танишув давомида ҳудудда хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, уларнинг бизнес ташаббусларини рағбатлантириш ҳамда иқтисодий фаолликни ошириш масалалари муҳокама қилинди.



Тадбирда туман ҳокими У. Елмуратов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Галия Райханова, O'zLiDeP Навоий вилоят кенгаши аппарат раҳбари Муҳаммад Эшнӣёзов ҳамда фаоллар иштирок этди. Мулоқот жараёнида "Choco Life" корхонаси раҳбари С. Элова ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш, маҳсулот турларини кўпайтириш ҳамда янги бозорларга чиқиш режалари ҳамда мавжуд муаммоларини маълум қилди. Мутасаддилар уларни ҳал этишда амалий кўмак беришларини билдирди. Шунингдек, "Маҳалланинг ишбилармон аёли" танлови доирасида бундай ўрганишлар изчил давом эттирилиб, жойларда фаолият юритаётган ташаббускор аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг тажрибасини оммалаштириш ва янги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш устувор вазифа бўлиб қолиши қайд этилди.

ХОРАЗМ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Барно Бердиева Урганч шаҳридаги Жамбул, Ҳамжихатлик, Юқори боғ, Саховат ҳамда Кўҳна Қалъа маҳаллаларида аҳоли билан очик мулоқотлар ташкил этиб, ҳудуд инфратузилмасини янада такомиллаштириш масалаларини жойида ўрганди. Учрашувларда маҳалла фаоллари, нурунийлар ва ёшлар иштирок этди. Улар ҳудуддаги долзарб муаммолар, коммунал хизматлар сифати, йўл ва кўприклар ҳолати ҳамда ижтимоий объектларни таъмирлаш масалалари бўйича ўз тақлифларини билдирди.

Масалан, халқ вакиласи аҳоли мурожаати асосида Жамбул маҳалласидаги автомобиль ва пидедалар ҳаракати учун мўлжалланган кўприклар ҳо-



латини кўздан кечирди. Уларнинг техник ҳолати талабга жавоб бермаслиги, конструкциялари эскириб, фойдаланиш учун хавфли даражага келгани аниқланди. Бу вазият нафақат маҳалла аҳолиси, балки кундалик ҳаракат қилувчи барча қатновчилар учун ҳам жиддий ноқулайликлар туғдирмоқда. Шу муносабат билан тегишли ташкилотларга мурожаат чиқарилди ва масала депутат назоратида олинди. Ҳозирда кўприкларни таъмирлаш ва техник ҳолатини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар кўрилмоқда.

БУХОРО

Парламент кўйи палатаси депутатлари Мадина Баратова, Эмма Асонова ҳамда партия вилоят кенгаши фаоллари Когон туманидаги тадбиркорлик субъектларида бўлишди. Истиқбол маҳалласида 2019 йилдан бери иссиқхоначилик йўналишида самарали фаолият юритиб келаётган тадбиркор, сиёсий куч фаоли Махтоб Адидованинг ибратли иш тажрибаси билан яқиндан танишди.

Тадбиркор қарийб 10 гектар майдонда замонавий ва илғор технологиялар асосида иссиқхона ташкил этиб, гидропоника усулида экспортбоп помидор ва бодринг етиштирмоқда. Йилига 500 тоннадан ортиқ сифатли кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чет эл бозорларига чиқармоқда. 2024 йилда 50 минг, 2025 йилда 330 минг АҚШ доллари миқдориди помидор Россияга экспорт қилинган. Корхона даромади йил сайин ошиб, кейинги 2 йил давомида 5 млрд сўмга яқинлашди. Айниқса, махсус технология асосида асаларилар ёрдамида чанглантириш усули жорий этилгани ҳосилдорликни 60 фоизгача оширди. Бу эса маҳсулот сифатини янада яхшилаб, юқори иқтисодий самара бермоқда. Хўжалик ҳудуд аҳолиси бандлигини таъминлашда ҳам муҳим ўрин тутди. 60 дан ортиқ фуқаро доимий иш ўрни билан таъминланган бўлиб, бу оилалар фаровонлиги ошишига замин яратмоқда.



Фракция аъзолари Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Азамат Султонов раҳбарлик қилиб келаётган "Бухоро агрокластер" МЧЖ тасарруфидида "Бухоро агрокластер Д33" корхонасида бўлиб, ишлаб чиқариш жараёни, замонавий технологиялар ҳамда маҳсулот сифати устидан назорат тизимини кўздан кечирдилар. Корхонада асосан сутни қайта ишлаш ва қадоқлаш йўлга қўйилган бўлиб, 2021 йилда 6,2 миллион доллар миқдориди инвестиция ҳисобига ишга туширилган. Ишлаб чиқариш цехлари Италия ва Россиядан келтирилган юқори самарадор ускуналар билан жиҳозланган. Бу эса маҳсулот сифатини халқаро стандартлар даражасида таъминлаш имконини бермоқда. Корхонада йилига 22 минг тонна сут қайта ишланиб, "Lattico" бренди остида кефир, сут, пишлоқ, йогурт, қаймоқ, сметана каби 47 турдаги табиий ва экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Ушбу маҳсулотлар нафақат ички бозор эҳтиёжини қондирумоқда, балки хорижий давлатларга ҳам экспорт қилиниб, миллий бренд нуфузини оширмоқда. Шунингдек, кластер таркибиди замонавий тупроқ таҳлили лабораторияси фермер ва деҳқон хўжаликларига хизматлар кўрсатмоқда. Бу ерда ер унумдорлиги илмий асосда баҳолашиб, самарали экин экиш бўйича тавсиялар берилади.

Ташриф якунида халқ вакиллари корхонада яратилган иш ўринлари, ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши ва аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш борасидидаги саъй-ҳаракатларини юқори баҳоладилар.

ҚАШҚАДАРЁ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Наргиза Саломова Яқабоб туманидаги 8-умумтаълим мактабида ўтказилган очик мулоқотда Президентимизнинг ёшлар билан учрашувида илгари сурилган ибратли ташаббусларга тўхтади. Самимий суҳбат чоғида шу таълим масканда тахсил олаётган 8-синф ўқувчиси халқаро инглиз тили сертификатларини қўлга киритгани, бошланғич синф ўқувчиларига инглиз тилидан бепул дарс бериш нияти борлигини айтиб, унга замонавий доска билан жиҳозланган хона ажратиб тақлифини билдирди. Ёшларнинг билимга чанқоқлиги ва ташаббускорлиги қўллаб-қувватланиб, мактаб ҳудудида бўш турган хонани таъмирлаган ҳолда, замонавий жиҳозлар билан таъминлаш бўйича амалий ёрдам кўрсатиладиган бўлди.

Сайловчилар билан юзма-юз учрашувларда аҳолидан тушган мурожаатлар юзасидан масъуллар иштирокда амалий чоралар белгилаб олинди. Хусусан, Тўқбой маҳалласида яшовчи Мўътабар Юсупова ишиси, 4 нафар фарзанди бор. Турмуш ўртоғи 1-гурӯх ногирони. Дилбандларидан бири ҳам 2-гурӯх ногирони, оиланинг ижтимоий аҳоли анча оғир. Фуқаронинг мурожаати тумандаги "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази томонидан тезкорлик билан ўрганилиб, ижобий ҳал этилди. Ушбу оилга даволаниш харажатлари, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа зарур эҳтиёжлари учун моддий маблағ ажратиладиган бўлди. Шунингдек, уларнинг яшаш шароитини яхшилаш мақсадида уйини таъмирлаш учун ҳам кўмак ажратилади.

Учрашувлар давом этмоқда.

O'zLiDeP ҳудудий кенгашлари тақдим этган маълумотлар асосида "XXI asr" муҳбири Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА тайёрлади.

Ўзбекистон имижини учун барчамиз жавобгармиз

ЯҚИНДА ГУВОҲИ БЎЛДИК, ХОРИЖДАГИ ЮРТДОШЛАРИМИЗ БИЛАН БОҒЛИҚ БИР-БИРИГА МУТЛАҚО ҚАРАМА-ҚАРШИ ИККИ ВОҚЕА ЖАМОАТЧИЛИК ЭЪТИБОРИНИ ТОРТДИ.

БИРИНЧИСИ, САНКТ-ПЕТЕРБУРГ ШАҲРИДА СОДИР БЎЛГАН ФАВКУЛОДДА ҲОЛАТДА ВАТАНДОШИМИЗ КЎП ҚАВАТЛИ УЙНИНГ ЕТТИНЧИ ҚАВАТИДАН ҚУЛАБ ТУШАЁТГАН БОЛАНИ ЎЗ ЖОНИНИ ХАВФ ОСТИГА ҚЎЙГАН ҲОЛДА ҚУТҚАРИБ ҚОЛДИ. УНИНГ БУ МАРДОНА ХАТТИ-ҲАРАКАТИ ЮКСАК БАҲОЛАНИБ, ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ФАРМОНИГА БИНОАН “ЖАСОРАТ” МЕДАЛИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИ. БУ ҲОДИСА ЎЗБЕК ХАЛҚИГА ХОС МАРДЛИК, ФИДОЙИЛИК ВА ИНСОНПАРВАРЛИК ФАЗИЛАТЛАРИНИНГ ЁРҚИН НАМУНАСИ СИФАТИДА ДУНЁ МАТБУОТИДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ...

Иккинчи ҳолат эса Истанбул шаҳрида рўй берган муҳим жиноят билан боғлиқ. Ўзбекистонлик икки ёш аёл ўз ватандошлари томонидан ваҳшийларча ўлдирилди. Ушбу воқеа ортидан Анкара ва Истанбулда минглаб аёллар кўчаларга чиқиб, эъравонликка қарши норозилик намойишларини ўтказди. Жиноятда гумонланган фуқароларимиз кўлга олинди...

Бир халқ, икки хил воқеа, икки хил қиёфа. Бир – жасорат ва инсонпарварлик тимсоли, иккинчиси – жиноят ва масъулиятсизлик оқибати.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: хўш, чет элда ёки мамлакатда юрган шахснинг хатти-ҳаракатлари фақат унинг обрўси ва шахсиятига дахлдорми? Келинг, дўппини бошдан олиб, бироз мулоҳаза юритайлик.

БЕШ ЙИЛДА ИНДОНЕЗИЯ АҲОЛИСИ СОНИГА ТЕНГ...

Бугунги кунда меҳнат миграцияси жаҳон миқёсидаги улкан ижтимоий-иқтисодий ҳодисага айланган. 2020–2025 йиллар давомида дунё бўйича меҳнат мигрантлари сони 281 миллион нафардан ошиб, рекорд даражасига етди. Бу – инсоният тарихидаги энг йирик меҳнат ҳаракати тўққинларидан бири. Мигрантларнинг асосий қисми Осиё ва Европа давлатларида фаолият юритмоқда. Демак, ўзбекистонликлар ҳам глобал меҳнат бозорининг ажралмас қисмига айланган.

Жаҳон банки маълумотларига кўра, пул ўтказмалари ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида муҳим ўрин тутди. Ремиттенс (инглизча remittance – “жўнатма, ўтказма”)лар нафақат оилалар даромадини оширади, балки ички бозорда талабни рағбатлантиради, кичик бизнесни қўллаб-қувватлайди ва иқтисодий барқарорликни таъминлайди. Ўзбекистон мисолида ҳам хорижда меҳнат қилаётган юртдошларимиз юрган маблағлар қўллаб хонадонлар турмуш фаровонлигига хизмат қилмоқда.

Сўнгги йилларда Европа ва Осиё давлатларида меҳнат бозорига бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда. Германия, Польша, Жанубий Корея каби мамлакатларда айрим соҳаларда мутахассислар етишмаслиги кузатишмоқда. Бу эса ўзбекистонликлар учун янги иш имкониятлари эшигини очмоқда. Энг муҳими, хорижда фаолият юритган фуқаролар янги технологиялар, замонавий иш услублари ва халқаро стандартларга мос маляка ортирмоқда. Бу тажриба кейинчалик Ватан тараққиёти учун ҳам хизмат қилажаги шубҳасиз.

Таҳлиллар шунини кўрсатмоқдаки, пул ўтказмалари бўлмаган тақдирда, қўллаб-қувватланаётган мамлакатларда камбағаллик даражаси сезиларли ошган бўлар эди. Демак, меҳнат миграцияси – фақат вақтинчалик иш излаш эмас, балки ижтимоий барқарорликни таъминлаш воситаси ҳамдир.

Глобал трендлар шундан далolat берадики, меҳнат миграцияси ҳали узоқ йиллар давом этади. Бу жараёндан унумли фойдаланиш, фуқароларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш, уларнинг касбий салоҳиятини ошириш ва орттирилган тажрибани юрт тараққиётига йўналтириш – бугунги куннинг устувор вазифаси ҳисобланади.

МИГРАЦИЯ – БУ ФАҚАТ ИҚТИСОД ДЕГАНИ ЭМАС

Ўзбекистон ҳам бу тренддан четда эмас. 2025 йилнинг январидан сентябргача 2,36 миллион фуқароимиз меҳнат мигранти сифатида хорижга йўл олган – бу 2024 йилга нисбатан 4% кўп. Умумий хорижга чиқишлар сони эса 2024 йилда 6,2 миллионни ташкил этди ва 2023 йилга нисбатан 29% ошди.

Пул ўтказмалари юртимиз иқтисодиётида муҳим аҳамиятга эга. 2025 йилнинг биринчи 10 ойида хориждаги меҳнат мигрантлари 15,8 миллиард АҚШ доллари миқдорда маблағ жўнатибди. Фақат йилнинг биринчи ярмида бу кўрсаткич 8,2 миллиардга яқинлашди ва ўтган йилга нисбатан 27% кўпайди. Жаҳон банки ҳисоботига кўра, агар бу пуллар бўлмаса, камбағаллик даражаси 9,6% дан 16,8% га чиқиши мумкин эди. Демак, мигрантлар нафақат оиласи, балки бутун мамлакат иқтисодиёти учун ҳал қилувчи ҳисса қўшмоқда.

Қолаверса, меҳнат мигрантлари орқали юртимизда истеъмол ва ижтимоий соҳалар ривожланади. Ҳар бешинчи энг кам даромадли уй-хўжалиги улардан келадиган пул ўтказмаларига боғлиқ. Шу билан бирга, миграция йўналишлари ҳам диверсификацияланмоқда: аёнанавий Россия ва Қозоғистондан ташқари Европа мамлакатлари – Польша, Литва, Германия ва Осиё давлатларига ҳам кенгаймоқда.

Ҳуқумат ва халқаро ташкилотлар томонидан мигрантларнинг ҳуқуқлари, молиявий саводхонлиги ва жамиятга интеграцияланиши учун кўплаб дастлавлар йўлга қўйилмоқда. 2025 йилнинг биринчи ярмида 17 та давлат билан расмий келишувлар асосида тахминан 86 минг нафар фуқаро иш билан таъминланди.

Қисқача айтганда, меҳнат миграцияси нафақат оилалар фаровонлиги, балки мамлакат иқтисодиётининг барқарорлиги учун ҳам муҳим омилга айланди. Бироқ танганинг иккинчи томони ҳам бор...



БИР ИНСОН – БИР МИЛЛАТ ТИМСОЛИ

Хорижда юрган ҳар бир фуқаро нафақат иқтисодий фаолият юритади, балки мамлакат имижини ҳам намоён этади. Унинг меҳнати, маданияти, муомаласи ва масъулияти орқали Ўзбекистон ҳақида тасаввур шаклланади. Шу маънода, хорижда юрган ватандошларимиз дунё сахнасида, рамзий ибора билан айтганда, Ватанимизнинг ўзига хос “норасмий” қиёфаси, имижини ҳисобланади. Яъни четдаги ҳар бир фуқаронинг касбий маҳорати, интизоми ва ахлоқ-одоби ўша жамиятда “Ўзбекистон қандай мамлакат?” деган саволга беихтиёр жавоб беради. Бу мавзу ижтимоий-иқтисодий муаммоларни илмий-таҳлилий, соҳа вакиллари, жамоатчилик фаоллари ва экспертлар билан мулоқот орқали ҳал этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида ташкил қилинган “Тагаққуёт нуқтаси” клуби доирасидаги навбатдаги учрашувда муҳокама қилинди.

– Бир эслаб кўринг, Ўзбекистон фуқаролари 10 йил аввал қайси давлатларга чиқа оларди? – дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O‘zLiDeP фракцияси аъзоси Умид Якубходжаев. – Қўл билан санаб берадиган, тўғрими?! Ҳозир дунёнинг исталган нуқтасига чиқяпмиз. Лекин шу ўринда бир жиҳатни ҳам айтиб ўтишимиз керак. Яъни Ўзбекистонда яратилаётган имкониятлардан оқилонга фойдалана оламизми? Чет элда бўладими, Ўзбекистонда бўладими, биз давлатимиз имижини учун хизмат қилишимизни унутмайлик. Шунга кўра, қаерда бўлса-да, ўзимизни тўғри тутишимиз, Ўзбекистон фуқароси эканимиздан ғурурланиб, уни обрўсини оширишга қаратилган ҳаракатларни амалга оширишимиз керак. Бу нафақат фуқаронинг, балки мамлакат нуфузига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Биргина, ўзбекистонлик, деган сўз ортидан ёпиқ турган эшиклар очилишига ёки аксинча, очик турган эшиклар ёпилишига сабабчи бўлиб қолиш мумкинлигини бир тафаккур қилиб кўринг. Гап шундаки, айнан мана шу ёндашув бутун бошли муҳимиятларнинг имкониятларини оширишга, бизнес муҳити яхшиланишига, муносабат ўзгаришига олиб келадиган муҳим фактор ҳисобланади.

Шукрки, бугун Германия ва бошқа Европа давлатларида фаолият юритаётган дастурчиларимиз IT соҳасида юқори натижалар кўрсатмоқда. Айрим ватандошларимиз нуфузли халқаро компанияларда, жумладан, PUMA, Google, Amazon, Facebook (Meta), Microsoft, Shell, General Electric, Hyundai Motor Company, Lukoil, United Nations, United Nations Development Programme, UNESCO, Asian Development Bank, Boeing, Airbus ва шу каби бошқа номдор кооперацияларда фаолият юритиб келишмоқда. Бу – “Ўзбекистон кучли кадрлар манбаи” деган ижобий тасаввурни мустаҳкамлайди.

Қолаверса, тиббий соҳасида ҳам АҚШ, Жанубий Корея ва Европа клиникаларида меҳнат қилаётган ҳамшира ва шифокорларимиз масъулияти ҳамда меҳнатсеварлиги билан ишонч қозонмоқда. Бу эса бутун миллат ҳақидаги ижобий фикрни янада кучайтиради.

ЭНГ ЯХШИ ИШ БУ – КАТТА МАОШ ТЎЛАНДИГАН ХОББИ

Яна бир гап. Бугун дунёнинг энг нуфузли олий ўқув юртиларида, жумладан, Harvard University, Yale University, Princeton University, Columbia University ва Cornell University

каби олийгоҳларда таҳсил олаётган ўғил-қизларимиз сони 500 нафардан ошгани фахрли ҳол.

George Washington University талабаси Амира Асқарова таъқидлаганидек, ёшлар касб танлашда шунчаки диплом эмас, ўз қизиқиши ва салоҳиятидан келиб чиқиши лозим. Бу ёндашув – сифатли кадр тайёрлашнинг асоси ҳисобланади. Қолаверса, энг яхши иш бу – катта маош тўланадиган хобби ҳамдир.

Самарқандлик Мохинур Раҳматуллаевнинг George Washington Law Schoolда грант асосида таҳсил олиши ёки педагог Шухрат Тагаевнинг Columbia Universityнинг ўқи-

Нега бу воқеани дабдурустан эслаб қолдик?! Сабаби шуки, бугун эҳтиётсизлик ортидаги қайсидир хатти-ҳаракатимиз ёки ҳиссиётга берилиб бажарган ақлсиз ишимиз фақатгина бизни номимизга доғ туширмайди. Айниқса, интернет, сунъий ақл ва ахборот технологиялари кун сайин ривожланиб бораётган бугунги замонда арзимас кўнгилсиз воқеа ҳам пашшадан фил ясашга айланиб кетиши, бунинг ортидан шахсий айб умуммиллий тасаввурни шакллантириб қўйиши ҳеч гап эмас.

Шу боис ҳуқуқий саводхонлик, тил билими ва маданий мослашув масаласи жуда долзарб бўлиб бормоқда.

тувчилар коллежида билим олаётгани – бу шахсий ютуқ эмас, балки мамлакат интеллектуал салоҳиятига берилган баҳо деб қараш мумкин.

Ёшларимизнинг жаҳон фан олимпиадаларида 66 та олтин, 147 та кумуш ва 221 та бронза медални қўлга киритгани, 63 та стартап лойиҳанинг халқаро бозорга чиққани – буларнинг барчаси миллий брендни мустаҳкамлайдиган омил ҳисобланади.

МАДАНИЙ ДИПЛОМАТИЯ – ЮМШОҚ КУЧ

Хориждаги мамлакатимиз диаспораси вакиллари Наврўз, Ҳайит байрамлари, миллий таомлар фестиваллари, рақс ва кўшиқ тадбирлари орқали Ўзбекистон маданиятини тарғиб этиб келишаётгани сир эмас. Масалан, Сеул шаҳридаги Hanyang университетиде 50 нафардан ортиқ талаба иштирокида “Ўзбек талабалар уюшмаси” ташкил этилгани – маданий дипломатиянинг амалий кўринишидир.

Чет элда бот-бот ташкил этилаётган ош, сомса, атлас, адрас кунлари, булар шунчаки миллий анъана эмас, балки soft power – юмшоқ куч воситаси ҳисобланади. Миллатнинг маданий қиёфаси айнан шу орқали танилади.

САЛБИЙ ҲОЛАТЛАР – УМУМЛАШТИРИШ ХАВФИ

Бироқ, битта тиррақи бузоқ бир тўп подани бузиши ҳам бор гап...

Бир неча йил аввал тўй тантанаси чоғида олинган бир неча сониялик видео бутун жамиятни ларзага солган эди. Қувонч, орзу-ҳавас ва дуоларга тўла бўлиши керак бўлган сахнада кўвнинг келинга тарсаки туширгани акс этган лавҳа ижтимоий тармоқларда чақмоқ тезлигида тарқалди. Шу қисқа кадрлар нафақат юртимизда, балки халқаро миқёсда ҳам кескин муҳокамаларга сабаб бўлди.

Маълумотларга кўра, ҳодиса тўй маросими давомида ўйин ёки шарт тарзидаги сахнача пайтида содир бўлган. Видеога кўв келиниги барча меҳмонлар олдида юзига уради. Келининг ҳолати, унинг ҳайрат ва изтиробга тўла нигоҳлари кўпчиликни қаттиқ ўйлантирди. “Бу ҳазилми ёки эъравонлик?” деган савол жамоатчилик муҳокамаси марказига чиқди.

Видео қисқа вақт ичида Instagram, Twitter (ҳозирги X) ва Facebook каби платформаларда вирусдек тарқалди. Фойдаланувчиларнинг катта қисми бу ҳолатни аёлларга нисбатан эъравонлик, деб баҳолади. Халқаро оммавий ахборот воситалари ва ҳуқуқ ҳимоячилари Марказий Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда аёллар ҳуқуқи масаласига эътиборни яна бир бор қаратди. Биргина тарсаки ортида қанчалик оғриқли муаммолар яширин экани очик муҳокама қилина бошланди.

Ўша пайтда маҳаллий ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан текширув ўтказилгани ҳақида хабарлар тарқалди. Айрим манбалар кўвга нисбатан маъмурий чора қўлланганини маълум қилди. Расмий идоралар эса бу каби хатти-ҳаракатлар қораланишини таъқидлади. Аммо жамоатчилик учун масаланинг ҳуқуқий жиҳатидан ҳам кўра унинг маънавий ва ижтимоий томони муҳимроқ эди.

Ҳар бир фуқаро ўз ҳаракати билан нафақат шахсий, балки миллий масъулиятни ҳам ҳис этиши зарур.

O‘ZLIDeP NING ISTIQBOLLI TASHABBUSI

Сўнгги йилларда мамлакатимизда меҳнат миграциясига ёндашув тубдан ўзгармоқда. Энди бу жараён фақат иш излаб хорижга чиқиш эмас, балки фуқароларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, касбга тайёрлаш ва уларни Ватанга қайтгач, қайта интеграция қилишнинг яхлит тизимига айланмоқда. Консуллик хизматлари кенгаймоқда, хорижда иш билан таъминлаш бўйича икки ва кўп томонлама келишувлар сони ортиб бормоқда. Энг муҳими, инсон қадр ва манфаати давлат сиёсатининг марказига қўйилмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев ёшлар билан мулоқотда таъқидлаганидек, 22 миллиондан зиёд ёшлар – бу мамлакатнинг улкан иқтисодий ва ижтимоий кучидир. Ана шу куч тўғри йўналтирилса, у нафақат ички тараққиётни, балки халқаро майдондаги нуфузимизни ҳам мустаҳкамлайди. Чунки бугун хорижда меҳнат қилаётган, таълим олаётган ёки тадбиркорлик билан шуғулланаётган ҳар бир ўзбекистонлик юртимизнинг норасмий элчисидир.

Етакчи сиёсий куч бўлган O‘zLiDeP нуқтаи назаридан қараганда, меҳнат миграцияси – бу фақат вақтинчалик иш эмас. Бу – янги билим, замонавий технология, илғор бошқарув тажрибаси ва инвестициявий алоқаларни олиб келиш имкониятидир. Партия эркин иқтисодий муносабатлар, хусусий ташаббус ва инсон капитали ривожини қўллаб-қувватлайди. Демак, хориждаги фуқароларни инвестицион кўприкка айлантириш – стратегик вазифадир. Чет элда муваффақият қозонган ватандошларимиз юртимизга сармоя, инновация ва янги иш ўринлари билан қайтиши – тараққиётнинг муҳим омилларидан бири.

Бугунги глобаллашув даврида дунё тўра, ахборот тез, муносабатлар эса ўта шаффоф. Энди мамлакат имижини фақат элчихоналар ёки расмий баёнотлар орқали эмас, балки оддий инсоннинг кундалик муомаласи, меҳнат интизоми ва маданияти орқали шаклланади. Бир ижобий мисол бутун миллат ҳақида илиқ тасаввур уйғотади. Бир салбий ҳолат эса йиллар давомида яратилган ишончга соя солиши мумкин.

Шу боис фуқароларнинг ҳуқуқий, касбий ва маънавий тайёрлиги давлат сиёсати ва жамоатчилик эътиборида бўлиши шарт. Хорижда кетаётган ҳар бир ёш тилни билиши, касб-хунарга эга бўлиши, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини англаши зарур. Зеро, у нафақат ўз тақдири, балки Ватан шаъни ва обрўси учун ҳам масъулдир.

Мамлакат имижини – умумий капитал. Уни шакллантиришда элчихона ҳам, тадбиркор ҳам, талаба ҳам, меҳнат мигранти ҳам бирдек иштирок этади. Хориждаги бир инсон – бутун миллат тимсоли. Демак, унинг муваффақияти – Ўзбекистон муваффақиятидир.

Қаерда бўлмайлик, юртимиз номига муносиб бўлиш нафақат ҳуқуқ, балки юксак масъулиятдир. Ана шу масъулият ҳисси бизга нафақат чет элда, балки ўз уйимизда ҳам куч-қувват ва бирдамлик бағишлайди. Зеро, Ватан шаъни ҳар биримиздан бошланади.

МУНОСАБАТ

ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛЛИГИ ВА ГЕНДЕР ТЕНГЛИК

Хар қандай жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти инсон капиталига боғлиқ. Инсон капитали эса билимли, фаол ва ҳуқуқий ҳимояланган аёллар иштирокисиз тўлиқ шаклланмайди.



Гулчехра ЖҲРАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
депутати, О'зЛиДеР фракцияси аъзоси

Шу маънода, хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини илмий-амалий жиҳатдан таҳлил қилиш, гендер тенглик масалаларини чуқур ўрганиш долзарб аҳамият касб этади. Шу боис Ўзбекистонда аёлларни қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган.

Хотин-қизларнинг ижтимоий институт сифатидаги ўрнига эътибор берилганда улар жамиятнинг бир неча асосий институтларида ҳал қилувчи роль ўйнаши қайд этилади. Хусусан, оила – ижтимоий-лашунинг биринчи босқичи. Фарзанд тарбияси, маънавий қадриятларни шакллантириш, ижтимоий меъёрларни сингдириш жараёнида онанинг роли устувор. Илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, онанинг таълим даражаси қанчалик юқори бўлса, фарзанднинг интеллектуал ва ижтимоий ривожланиш кўрсаткичлари ҳам шуначилик юксак бўлади. Иқтисодий назарияга кўра, меҳнат бозорига аёллар иштирокининг ошиши яқин ички маҳсулот ўсишига ижобий таъсир кўрсатади.

Хотин-қизларни тадбиркорликка жалб қилиш, улар учун имтиёзли кредит ва субсидиялар ажратиш орқали иқтисодий фаоллик кенгаймоқда. Аёллар раҳбарлигидаги кичик бизнес субъектлари қишлоқ жойларида бандликни таъминлашда муҳим омили бўлмоқда.

Сиёсий фаоллик – демократик жамият мезонларидан бири ҳисобланади. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси таркибига аёл депутатлар улушининг ортиши гендер му-

возанатни таъминлаш йўлидаги амалий қадам сифатида баҳоланади. Бу ҳолат қарор қабул қилиш жараёнларида нозик вакиллар манфаатларини ҳисобга олиш имкониятини кенгайтиради. Шунингдек, мамлакатимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож, ишсиз, боқувчисини йўқотган ва ногиронлиги бўлган, ногирон фарзанд тарбиялаётган хотин-қизларнинг муаммолари билан "Аёллар дафтари" орқали манзилли ишлаш амалиёти жорий этилди, бандлиги таъминланди, тиббий, иқтисодий, ҳуқуқий, психологик ёрдам кўрсатил-япти.

Сўнги йилларда олиб борилаётган бу ислохотлар натижасида хотин-қизлар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Жумладан, 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини 2025 йилда амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурида белгиланган вазифалар ижроси доирасида муайян ишлар амалга оширилди. Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш, уларнинг иқтисодий ва ижтимоий шароитларини яхшилашга қаратилган 15 та ҳуқуқий норматив ҳужжат қабул қилинди. Миллий кадрлар захирасида хотин-қизлар салмоғи 2024 йилга нисбатан 2 баробарга ошиб, 1 267 нафарга етди. Олий таълим ташкилотларида таҳсил олаётганларнинг улуши 895,6 миң нафарни (бакалаврда 53,9 фоиз, магистратурада 66,1 фоиз) ташкил этмоқда.

Утган йилда хотин-қизларнинг 12,4 млрд сўмлик 21 та стартап лойиҳаси, Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди томонидан уларнинг ижтимоий масалаларини ҳал қилишга қартилган 3,1 млрд сўмлик 23 та лойиҳа қўллаб-қувватланди. Нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан ҳорижий донорларнинг молиявий кўмаб бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурида белгиланган вазифалар ижроси доирасида муайян ишлар амалга оширилди. Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш, уларнинг иқтисодий ва ижтимоий шароитларини яхшилашга қаратилган 15 та ҳуқуқий норматив ҳужжат қабул қилинди. Миллий кадрлар захирасида хотин-қизлар салмоғи 2024 йилга нисбатан 2 баробарга ошиб, 1 267 нафарга етди. Олий таълим ташкилотларида таҳсил олаётганларнинг улуши 895,6 миң нафарни (бакалаврда 53,9 фоиз, магистратурада 66,1 фоиз) ташкил этмоқда.

Утган йилда хотин-қизларнинг 12,4 млрд сўмлик 21 та стартап лойиҳаси, Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди томонидан уларнинг ижтимоий масалаларини ҳал қилишга қартилган 3,1 млрд сўмлик 23 та лойиҳа қўллаб-қувватланди. Нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан ҳорижий донорларнинг молиявий кўмаб бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурида белгиланган вазифалар ижроси доирасида муайян ишлар амалга оширилди. Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш, уларнинг иқтисодий ва ижтимоий шароитларини яхшилашга қаратилган 15 та ҳуқуқий норматив ҳужжат қабул қилинди. Миллий кадрлар захирасида хотин-қизлар салмоғи 2024 йилга нисбатан 2 баробарга ошиб, 1 267 нафарга етди. Олий таълим ташкилотларида таҳсил олаётганларнинг улуши 895,6 миң нафарни (бакалаврда 53,9 фоиз, магистратурада 66,1 фоиз) ташкил этмоқда.

Утган йилда хотин-қизларнинг 12,4 млрд сўмлик 21 та стартап лойиҳаси, Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди томонидан уларнинг ижтимоий масалаларини ҳал қилишга қартилган 3,1 млрд сўмлик 23 та лойиҳа қўллаб-қувватланди. Нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан ҳорижий донорларнинг молиявий кўмаб бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурида белгиланган вазифалар ижроси доирасида муайян ишлар амалга оширилди. Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш, уларнинг иқтисодий ва ижтимоий шароитларини яхшилашга қаратилган 15 та ҳуқуқий норматив ҳужжат қабул қилинди. Миллий кадрлар захирасида хотин-қизлар салмоғи 2024 йилга нисбатан 2 баробарга ошиб, 1 267 нафарга етди. Олий таълим ташкилотларида таҳсил олаётганларнинг улуши 895,6 миң нафарни (бакалаврда 53,9 фоиз, магистратурада 66,1 фоиз) ташкил этмоқда.

орасида биринчилардан бўлиб кумуш нишон билан тақдирланди. Очиқ гендер маълумотлари (Open data) индексида эса Ўзбекистон дунёнинг энг яхши 20 та мамлакати рўйхатидан жой олди. Парламентлараро иттифоқнинг Сиёсатда аёллар индексида Ўзбекистон парламентларнинг қуйи палаталаридаги хотин-қизлар фаоллиги бўйича дунёда 15 ўринни эгаллади. Бундан ташқари, Гендер тенгликни таъминлаш ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида 2025 йил май ойида "БМТ – аёллар" тузилмасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси очилди.

Гендер тенгликни таъминлаш орқали жамиятда ижтимоий адолат мустаҳкамланади, инсон капитали салоҳияти тўлиқ рўйбга чиқади ва барқарор тараққиёт учун мустаҳкам пойдевор яратилади. Демак, хотин-қизларга яратилган имконият – келажақ авлод фаровонлигига қаратилган сармоядир.

ТАЖРИБА

ЧИҚИНДИ МУАММО ЭМАС, ИМКОНИЯТ



Бутун дунёда иқтисодиётнинг шитоб билан ривожланиши, урбанизация ва истеъмол даражасининг ўсиши натижасида чиқиндилар хажми ҳам ошиб бормоқда. Бироқ ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, чиқиндиларни фақат йўқ қилиш эмас, уларни қайта ишлаб, иқтисодий қийматга эга маҳсулотларга айлантириш мумкин. Бундай ёндашув нафақат экологик муаммоларнинг ечими бўлиб хизмат қилади, балки иқтисодий самардорликни ҳам таъминлайди.

Масалан, Германия, АҚШ ва Японияда чиқиндиларнинг катта қисми қайта ишланиб, электр энергияси, ўғит ёки иккинчи хомашё сифатида қўлланилади. Бу эса нафақат чиқиндилар хажмини сезиларли даражада камайтиради, балки янги иш ўринлари яратиш ва ресурсларга бўлган эҳтиёжни қисқартириш имконини ҳам беради.

Сўнги йилларда Ўзбекистонда ҳам бунга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимизнинг жорий йил 30 январдаги "2026–2027 йилларда Жиззах вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қароридан Фозгонтепа маҳалласида чиқиндиларни бирламчи саралаш ва қайта ишлашни йўлга қўйиш вазифаси аниқ белгилаб берилган. Мазкур лойиҳа – ушбу қарорнинг амалий ифодаси бўлиб, "Ўзбекистон – 2030" стратегияси доирасида атроф-муҳит муҳофазаси ва яшил иқтисодиётни ривожлантириш бўйича устувор мақсадларга ҳамоҳангдир.

Лойиҳанинг амалий ишлари Korea Engineering Consultants Corp. (KECC) ҳамда "Geotech

Engineering & Design Group" иштирокида бошлаб юборилди. Инвестор сифатида Корея экологик корпорацияси – К-ЕСО томонидан 6,6 миллион АҚШ доллари грант маблағи ажратилди. Лойиҳа доирасида чиқиндихона газини ёқиш орқали кунига 500 киловатт соат электр энергияси ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Бу кўрсаткич ҳудуддаги энергетик таъминот барқарорлиги ҳисса қўшиши билан бирга, қайта тикланувчи ва муқобил энергия манбалари улушини оширишга ҳам хизмат қилади.

Лойиҳанинг амалга оширилиши манзили – Шароф Рашидов туманидаги Фозгонтепа маҳалласида жойлашган 26,5 гектар майдонни эгаллаган майиш чикинди полигони. Бу ерда ҳар кун иртача 300–350 тонна чиқиндилар қабул қилинади. Органик қолдиқлар чириш жараёнида метан ва бошқа газлар ажратишини ҳисобга олсак, бу газларни атмосферага чиқариш ўрнига, махсус қувурлар орқали йиғиб, энергия манбаига айлантириш амалиёти ривожланган давлатларда кенг қўлланилмоқда. Илмий манбаларга кўра, метаннинг иссиқлик микдори карбонат ангидридга нисбатан бир неча баробар юқори.

Лойиҳанинг биринчи босқичи 2026 йил 1 октябрга қадар мавжуд чиқиндиларни кўчириш, суриш ва газ сизиб чиқариш нозорат қиладиган махсус қувурларни жойлаштиришдан иборат. Иккинчи босқич эса шу йил октябрь ойи якунига қадар газни йиғиш ва ундан электр энергияси ишлаб чиқариш иншоотини қуришни ўз ичига олади. Ноябрь ойи охирида объект синов тариқасида ишга туширилади, декабрда эса тўлиқ қувватда фаолият бошлайди.

Иншоот ишга тушгач, камида 30 йил давомида чиқинди газидан барқарор равишда электр энергияси ишлаб чиқариш имконияти яратилади. Бу нафақат атмосферага чиқариладиган зарарли газлар хажмини қисқартириб, санитария ҳолатини яхшилашга ёрдам беради, балки ҳудудда экологик барқарорликни таъминлайди ва яшил иқтисодиётни ривожлантиришга ҳисса қўшади.

Шу тариқа, "Фозгонтепа" лойиҳаси Жиззах вилоятидаги на эмас, бутун мамлакат учун чиқиндиларни самарали бошқариш ва энергия манбалари диверсификациясида муҳим қадам бўлади.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,
"XXI asr" муҳбири

БИЛАСИЗМИ?

АВТОМОБИЛ СУҒУРТАСИ НАРХИ НЕГА ОШДИ?

Автомобилларни мажбурий суғурталаш тизимидаги ўзгаришлар жамоатчилик эътиборини тортди. Тарифларнинг янгиланиши қандай заруратдан келиб чиқди? Бу ўзгаришлар ҳайдовчилар учун қандай имконият ва мажбуриятларни юзага келтиради? Мазкур саволларга "Кафолат" суғурта компанияси АЖ бошқарув раиси ўринбосари Шожалил Шорасулов жавоб берди.

– 2026 йил 1 январдан бошлаб транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш бўйича янги тарифлар кучга кирди. Эндиликда энгил автомобиллар учун суғурта полиси нархи ҳудудларга қараб белгиланади.



Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида энгил автомобиллар учун ҳайдовчилар сони чекланган суғурта полиси 192 000 сўмни, чекланмаган суғурта полиси эса 384 000 сўмни ташкил этади. Бошқа вилоятларда эса мос равишда 160 000 сўм ва 320 000 сўм этиб белгиланди.

Юқ автомобиллари учун Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида 336 000 сўмдан 672 000 сўмгача, бошқа вилоятларда 280 000 сўмдан 560 000 сўмгача миқдор белгиланди. Чет эл рўйхатидаги энгил автомобиллар учун эса суғурта полиси нархи 320 000 сўмдан 640 000

сўмгача, юқ транспортларига 560 000 сўмдан 1 120 000 сўмгача ташкил этади.

Нархлар ошишининг сабаби нимада? Энг асосийси, суғурта қопламаси лимитининг оширилганидир. Авваллари йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида энг юқори тўлов миқдори 40 000 000 сўм эди. Эндиликда бу кўрсаткич 80 000 000 сўмга етказилди.

Бундан ташқари, автомобиль эҳтиёт қисмлари асосан импорт қилинади. Валюта курси ва логистика харажатлари таъмирлаш нархининг ошишига сабаб бўлмоқда. Йўл-транспорт ҳодисалари сонининг ортиши ҳам суғурта компанияларининг товон тўловлари хажмини кўпайтирди. Эски 40 млн сўмлик лимит бугунги шароитда реал зарарларни тўлиқ қоплаш учун етарли эмас эди.

Бу ўзгариш ҳайдовчилар учун нимани аналатади? Албатта, янги нархлар айрим оилалар бюджети учун сезиларли харажат бўлиши мумкин. Бироқ эҳтимолий йўл-транспорт ҳодисасида 80 млн сўмгача молиявий ҳимоя мав-

жудлиги катта хавфни камайтиради.

Суғурта оддий тўлов эмас, балки молиявий хавфсизлик механизми. Янги тарифлар тизимни реал иқтисодий шароитга мослаштиришга қаратилган. Асосий мақсад – жабранувчилар манфаатини янада кучлироқ ҳимоя қилиш.

Тошкент давлат Иқтисодиёт университети талабаси Махлиё МАМБЕТКУЛОВА ёзиб олди.

КУТЛОВ

Biznesni Rivojlantirish Banki

mart

Xalqaro xotin-qizlar kuni muborak bo'lsin!

www.brb.uz

Хизматлар лицензияланган!


1254

ТАҚДИР

КАРИМОВнинг сирли ўлими

ёхуд унинг тобути Ўзбекистонга қандай олиб келинган эди?

...ЎТган йил АВГУСТ Ойи АДОғИДА ҚАДИМ ЭГИЗАК ШАҲАРЛАР – ШАҲРИСАБ ВА КИТОБДА “ГЕНЕРАЛ ЖЎРАБЕК: ДАВР ВА ҚИСМАТ” КИТОБИМИЗНИНГ ТАҚДИМОТИ РЕЖАЛАШТИРИЛГАНИ УЧУН ТАХТИҚОРАЧА ДОВОНИДАН ОШИБ БОРДИК.



Қақшадарёликларнинг меҳмоннавозлигига таъриф йўқ. Шинам ошхоналаридан бирида ўтирганимизда ҳамроҳим – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, таниқли кўшиқчи шоир Уктам Давлат (Уктамбой Давлетов фотоколлада чап тарафда) кутилмаганда мезбонлардан Нуриддин деган йигитни танисизларми, деб сўраб қолса денг. Ошхона соҳиби “Биламан, Тошкентда яшайди, лекин эртага жияни ош берапти, шунга етиб келган”, деди ва Уктам оғадан у кишини қаердан билишини сўради.

Бир маҳал шоир ўзи гувоҳ бўлган даҳшатли воқеани сўзлаб берди. Шунча йилдан бери таниган-билган одамимнинг ушбу ҳайратомуз кечинмаларини ўзидан энди эшитиб унга бўлган ҳурматим янада ошиб кетди...

Эртаси куни ҳалиги одам бизларни Китоб шаҳридаги шинам маҳаллалардан бирига ошга олиб борди. Ичкари уйга кирдик. Уктам шоир бўлса атрофга олазарак қараркан, дастурхонга қўл узатмасдан, мезбондан “Нуриддинни чақиринг” деди. Унинг тўй баҳонасида бемор бўлиб ётган бир дўстига ош олиб кетгани, ҳадемай келиб қолишини айтишди.

Бир маҳал хонага узун бўйли, чўққи соқолли киши кириб келди ва давра атрофида ўтирган барчамизга салом бергач, синчков тикилганча “Уктам оға ким?” деб сўради. Шоир аста ўрнидан турди, у бўлса югуриб кела солиб кучоқлаб кўришди ва йиғлаб юборди...

Ош ейилгунча ўттиз йилнинг нари-берисида бўлиб ўтган воқеалар эсланди. Бизлар ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари бошида узоқ Россиянинг қор босган овлоқ бир гўшасида содир бўлган воқеани ҳаяжон билан эшитдик.

...Уктам Давлат – ҳамқишлоғим. Ораимизда икки ёш фарқ бўлса-да, гўё тенгқурлардек гаплашамиз. Ота-онаси ўтган асрнинг эллигинчи йилларида тирикчилик сабаб Урганч шаҳрига кўчиб кетган бўлса-да, унинг бир оғи ҳаммаша киндик қони тўқилган масқанда. Элнинг тўй-маъракаларидан қолмайди, пенсияга чиққунича қишлоқдаги жамоа хўжалигида таъминотчи бўлиб ишлаган. Бу инсон билан кўп бора узоғу яқин сафарларда бўлганмиз, кунора кўнги-роқлашиб тураимиз. Аммо Китобда тасодиф эшитганим воқеа ҳақида ўзи бирор марта эслатмаган. Бошқа бирор бўлганда бу ҳимматини элда дастурхон қилиб юрарди...

...Хоразмга ўн санкиз йил раҳбарлик қилган раҳматли Мадийёр Худойбергенов суҳбатлардан бирида “Пахта иши” бошлангани шундай хотирлаганди: “Шароф ака йилда бир марта бюро аъзолари билан келиб, икки-уч кун вилоятда бўлиб, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳалардаги ишларни кўздан кечириб, камчиликларни кўрсатиб, муаммолар бўлса ечимини ҳал қилиб кетарди. Шундай сафарларидан бирининг адоғида Хива туман партия кўмитаси биринчи котиби хонасида масъуллар билан илҳам йиғилиш ўтказди. Бир маҳал саркотиб ёрдамчиси югуриб келиб Шароф акага ҳукумат тасдиқидан шовилниң сўрашавтганини айтди. Рашидов стол устидаги телефонлардан бирининг гўшагини кўтариб, ким биландир уч-тўрт дақиқа гаплашди ва биз у кишининг “Қачон? Нимага?” деган қисқагина саволларини эшитдик, холос.

Шароф ака телефон гўшагини кўйгач, оғир уйга толганча: “Ҳозир менга Бухоро обкоми биринчи котиби Абдувоҳид Каримовни ҳибсга олишгани ҳақидаги хабарни айтишди. Бу пахта деб... бошимизга бир балолар тушмаса бўлгани...”

Эслайсизми, Абдувоҳид Каримов ҳам “пахта иши” бўйича айбаниб, ноҳақ маҳкамга тортилган минглаб ҳамюртларимиздан бири эди. Юртимиз мустақилликка эришгач, Биринчи Президентимизнинг саъй-ҳаракати билан собиқ шуро замонидан ноҳақ айбланганлар барчаси қамқондан озод қилиниб, юртимизга қайтганди.

Абдувоҳид Каримов бу пайтда Россиянинг Свердловск (ҳозирги Екатеринбург) вилоятидаги колониялардан бирида жазо муддатини ўтаётган эди. Айтишларинча, 1992 йил январида қамқонча маъмуриятдагилар маҳкумини чақириб, “пахта иши” бўйича судланганлардан айримлари Ўзбекистон давлати раҳбари томонидан афв этилгани ҳамда баъзиларига тайинланган жазо ўзгартрилиб, жазо муддатини ўз юртида ўташи ҳақида маълум қилишганида... юрак хуружига учрайди (бу хабарнинг қанчалик рост-ёгонлиги ёлғиз худого аён, балки бошқинчилик бобида бутун дунёга “довруқ” таратганлар Каримовга нисбатан бошқача “чора” ўйлаб топилганди)...

Абдувоҳид Каримовнинг дунёдан ўтгани ҳақидаги но-хуш хабар келган заҳотиёқ умр йўлдоши Меҳринисо ая,

ўғиллари Алишер ва Баҳодир, жиянлари Ўроқтош, Рустам, Абдуҳошим ва куёви Нуриддин йўлга тушади. Яна қаерда денг, тулканинг тағида жони узилган инсоннинг тобутини ватанига тезроқ етказиб келиш мақсадида ҳукумат раиси ўринбосари, раҳматли Исмоил Жўрабековнинг имзои билан махсус хат ҳам олинади, аммо...

Ўқинлари қамқончага борган куни шанба бўлиб, махсусларни кўриқлаётган ҳарбийлар дам олишда бўлишган. Меҳринисо ая ва фарзандлари қамқонча наватбачисига республика раҳбариятининг махсус мактубини кўрсатиб, жасадини Ўзбекистонга тезроқ олиб кетиш учун келишганини айтишади. Ивдил шаҳарчасидан ўн беш чақиримлар узоқликдаги “Белая ночь” аталмиш посёлкадаги колония (айтишларинча, бу қамқонча 1939 йилда Сталиннинг буйруғига кўра совет ҳукумати тузумига қарши чиққан сиёсий махсуслар учун қурилган экан)га яқинлари бориб, тегишли ҳужжатларни расмийлаштирган вақтда бу жойда жасад учун махсус тобут ياسайдиган устакхона йўқлиги маълум бўлади. Усиз самолётга чиқаришмайди. Масъуллардан ёғоч тобут ياسашга рухсат олишганида эса мих топилмайди. Қарангки, бу ерда битта озиқ-овқат дўконидан бошқа савдо шохбчаси йўқ экан...

Китоб туманининг Севаз қишлоғида дунёга келган, институтни битиргач турли жойларда, жумладан, 35 ёшида марказқўмда сув хўжалиги бўлими бошлиғи, 1969 йилда янги ташкил этилган Китоб тумани раҳбари, 45 ёшида Сурхондарё вилоят ижроқўми раиси ва саркотибни, 1977 йилдан бошлаб Бухоро вилоятининг биринчи котиби лавозимига тайинланган Абдувоҳид Каримов эл-улуснинг беҳад ҳурмат-эътиборини қозонган эди. Ҳали-ҳалигача Қақшадарё, Сурхон тупроғи ва Бухоро заминидан юрт ободлиги йўлида амалга оширган хайрли ишларини ҳалқ фахрга тўлиб эслайди.

Оддий мисол: XIX асрнинг иккинчи ярмида Китоб беги бўлган афсонавий шахс Жўрабек додхоҳ Қаландар қори ўғлининг қадим Кеш ўлкасида қаздирган, йиллар ўтиб кўмилиб кетган эски қадим ариқларни қайта тиклаб, бепоён ёқиди чўлини ўзлаштирганнинг ўзи бир китобга сиймайдик. Эки бўлмаса, сурхондарёлик кексалар бугун ҳам гурунларда “Аму – Бухоро”, “Оққапчиғай”, “Тўдақўл”, бухороликлар эса Варахша, Уртачўл, Қорувулбозор чўллари ёки Сармижон, Ёмонжар каналлари, “Шўрқўл” сув омбори, қадим Бухоро шаҳри марказидаги Жўйзар, Шоҳруд, Фошун, Новметан, Фаркен, Боғдош каби ўнлаб канал, ариқларни обод қилиш, қаздиришдек савобли ишларга шахсан Абдувоҳид Каримовнинг ўзи бош бўлганини эътироф қилишганига кўп бора гувоҳ бўлганмиз...

Таниқли журналист Рузйобой Қўлдошевнинг You Tube даги “Абдувоҳид Каримовга қилинган зулм ёки Гидлянчилар тўдасининг халқимизни геноцид қилгани ҳақида” деб номланган ҳужжатли фильмида ҳам умрининг сўнгги нафасига қадар халққа яхшилик соғиниб яшаган бу инсон ҳақида батафсил ҳикоя қилинган.

Яна ўша машъум 1992 йилги кўргиликларга қайтамиз. Одатдагидек, шун хабарнинг қаноти катта бўлади, деганлари рост. Бир зумда тўсатдан вафот этган Абдувоҳид Каримов ҳақидаги шов-шувлар бутун республикага яшин тезлигида тарқалиб, ҳатто Китоб туманида дафн маросими куни ҳам аллақачон белгиланган эди. Олис Ўрусияда эса...

Нуриддин Каримов шундай хотирлайди: “Қирчиллама қиш. Тасвирлаб беролмайман у ёқдаги манзарани. Қамқонча ичкарисига кириш учун рухсат берилган, еттига эшикдан ўтдик. Ҳар бир постда махсус текширишади. Қайнона ётқизиб қўйилган хонага кириб борганимиздаги ҳолатни айтиб беролмайман. Аввалига Алишер иккимиз муқаддас мусулмон динимиз урф-одатларига кўра дунёдан ўтган инсоннинг иякларини, оёқларини боғладики, кейин қайнонам қаттиқ тайинлагани учун бутун танасини кўздан кечирдик, йўқ, хайрият, тиг теккизилмаган экан...”

Сўнгра бошлиқ билан гаплашдик ва бир армани махсус ёғочдан тобут ياسаб берадиган бўлди. Лекин тартибга кўра ичкарида бир дон мих топилмади. Алишер билан нима қиларимизни билмай бошимиз қотиб, ўттиз-қирқ даража совуқ ҳавода қамқонча дарвозаси олдида турганимизда, аниқ эсимда, бир капитан келиб ўзбекча саломлашди. Намангандан экан. Энг қизиги, қамқончани кўриқлаётган фарғоналик ва сирдарёлик аскар йигитлар ҳам бизнинг Ўзбекистондан келганимизни эшитиб, роса хурсанд бўлиб кетишди ва ҳалиги отликқаям топилмаётган матоҳни топиш йўлини тушунираётган маҳали ёнимизда бир сарик рангли “Жигули” машинаси келиб тўхтади. Устига почпўстин, бошига ҳайвон терисидан тикилган галати тумоқ кийган бир йигит тушди ва илиқ саломлашган, “Нердан галдиниз?” деб сўради. Мен қайнотам вафот этгани, тобут учун михни қаердан топишни билмай турганимни айтдим. У машина рулида ўтирган ўрис одамга қараб “Ваня, қаердан бўлсангиз тезда мих топиб кел!” деб буюрди. Бандачилик, дер экан, яқинда қамқонча шифонасидан даволанаётган Каримовни кўргани ва анча гуфтонлашганини ҳам айтиб қолди...

...Ярим соатлар ўтар-ўтмасдан ҳалиги шопир (собиқ ҳарбий экан) мих топиб келди. Энди бошқа муаммо чиқди: тобутни Свердловск шаҳридаги аэропортга элтиш учун юк машинаси топиш масаласи ўртага чиқди...

Уктам Давлат эса камтарлик билан ўша онларда тўрт томондан наҳот истаб турган юртдошларига тасодиф дуч келганини шундай изоҳлайди: “Мен жамоа хўжалиги таъминотчиси сифатида Россиядан ёғоч олиб келардим. Ҳарбий қисм командирига пул бериб, аскарлар ёллаб, ёғочларни машиналарга юкларардим. Уларнинг катталарига яхшигина совга-саломлар берганим учун ҳаммаси қаттиқ ҳурмат қилишарди. Қамқонча дарвозаси олдида совуқда наҳот қутиб турган юртдошимнинг мушқулини осон қилиш учун ўша ҳарбий қисм “автобат”га бориб, таниш генерал олдида кирдим. У батальонга қарашли еттига юк машина хайдовчисини чақирди ва улардан қайси бери Свердловск шаҳри аэропортга тобутни зудлик билан етказса олишини сўради. Муддатли ҳарбий хизматини ўтаётган аскарлар орасида бириси қўл кўтариб, “Уртоқ генерал, мен шу шаҳарда туғилганман, рухсат берсангиз шу баҳонада онамни ҳам бирров кўриб келардим”, деди. Тобут ортилган “Камаз”да Нуриддин ва Алишер жўнаб кетадиган бўлди. Шундан сўнг Ивдилдан ўтадиган йўловчи поездга чипта тополмай жонсарақ аҳволда ўтирган Меҳринисо опани шериклари билан вокзалга олиб бориб, танишларим орқали кузатиб қўйдим. Бир пайт у киши менинг қўлимга бир даста пул тутқазди. “Ҳэй, нима қилаясиз опагон, мусофир юртда юрибимиз ахир. Бир-биримизга шундай оғир кунда суняч бўлолмасак,

ким деган одам бўламиз, йўқ, хафа бўламан” десам, мени маҳкам кучоқлаб, Уктамжон, энди сиз менинг ўғлим бўлдингиз, минг раҳмат”, дея йиғлаб хайрлашди...”

Нуриддин Каримов бундан 33 йил бурунги воқеани шундай хўрсиниб эслайди: “Юк машинасида қиш бўйи ёққан қордан яхмалакка айланган йўлда минг азоб билан Свердловскка ўн бир ярим соат деганда етиб бордик. Ичкарига кирганимиздан кейин яна бошқа “бошоғриқ” муаммолар чиқди. Хуллас, бир иложини топиб, самолётга чиқдик. Ортимиздан улар ҳам етиб келишди. Буни қарангки, ҳатто шовилганимиз учун бизларга беминнат ёрдам кўрсатган хоразмлик одамнинг исми Уктам эканлигини билардим, аммо яшаш манзилини сўрамабман.

Китобга зўрга етиб келдик. Жаноза намози элга эълон қилинган вақтда ўқилди. Маросимлар ўтгач, ҳалиги кишини излашга тушдик, таассуфки, Хоразмда Уктам исмлилар кўп эканлиги учун топа олмадик. Тасодифни қарангки, ораддан шунча йил ўтгач, бизнинг Китобга ўз оғи билан келибди. Ишонинглар, раҳматли қайнонамиз дунёдан ўтганларига қадар Уктам акани дуо қилардилар...”

Бу аянчли воқеа 1992 йилнинг 20-21 январь кунлари Россиянинг олис Свердловск вилоятида бўлиб ўтган. Уктам Давлатнинг хотирлашича, ўша йили пойтахтга йўли тушганида Меҳринисо аяни йўқлаб борган, кўнгли сўраган ва дуоларини олган экан. Аммо онахон қанча сўрамасин, яшаш манзилини айтмаган...

Бу ўттинчи дунё дунда инсоннинг бир-бирига қилган савоб амаллари қолади. Шундай яхши амаллар бўладикки, уни охирагача эслайдилар. Инсон сўзининг асл маъноси “унутувчан” деган мазмун ташийди. Бу дунёда кўп нарсалар унутилади, хотираларни чанг босади. Инсон боласи ўзига қачондир ёмонлик қилган бандани ҳам унутуши мумкин, аммо яхши амал яшовчан келади.

Китоб шаҳрида икки инсоннинг кўзда ёш билан юқориди воқеани ҳикоя қилиб беришлари, Нуриддиннинг Уктам оғани тез-тез бағрига босишлари ана шундай яхши амалнинг бир исботи эмасми? Ораддан ўттиз йилдан ошқ вақт ўтган бўлса-да, бу воқеа вақту сана, соату дақиқаларига ҳаддан кўтарилмагани хайратга солади ҳар қандай кишини.

Китобдан қайтаётганимизда икки қадрдон ака-укалар Тошкентда учрашмоққа келишиб, телефон рақамларини алмашишди... Мана, ораддан олти ойча вақт ўтди. Яқинда шоир Дўрмонда ижодий таътилда бўлганида Нуриддин Каримов билан учрашган-учрашмаганини сўрадим. Уктам ёшулнинг жаवоби феълйига мос келди: “Телефон орқали гаплашиб турибимиз. Тошкентда маҳалим ҳам ўйлашдик, лекин шу ердалигимни айтмадим. Тўғриси, ўзимдан хижолат тортидим, тағин овора бўлиб юришмасин...”

Ушбу ибратли воқеани энди, ораддан ярим йил ўтгач эслаганим сабабини англагандирсиз: Ислом дунёсида меҳр ва саховат ойи Рамазон давом этмоқда. Қўлимиздан келса бир-биримизга яхшилик соғиниб яшайлик!

Рузйобой ҲАСАН, “XXI asr” муҳбири

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Бош муҳаррир Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахрир ҳайъати:

- Ақтам ХАИТОВ
Бахтиёр ЯКУБОВ
Сирожддин САЙИЙД
Дилшод ШОУМАРОВ
Равшан МАМУТОВ
Нодир ЖУМАЕВ

- Гулшана ХУДОЁРОВА
Шухрат АСЛОНОВ
Абдулла АСЛОНОВ

Тахририят манзили: Тошкент шаҳри Нукус кўчаси 73А-уй.

Электрон почта: xxi_asr@mail.ru



Телефонлар:

қабулхона – 71 215-63-80 (тел./факс).

Обуна ва реклама бўлими – 71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги (собиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги)да 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй. Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ, Буюртма рақами: Т – 0345. Адади: 6267. Баҳоиси келишилган нархда. Топширилди – 18:00.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларга манаб сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Газета тахририят компьютер марказида терилди.

Саҳифаловчи: Маъруфжон Раҳмонов



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406 123456

Навбатчи муҳаррир: Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА